

Бухоро давлат университети расмий веб сайти
“ОТМ га қабул” интерактив хизмати регламенти

1. Хизмат таърифи

1.1. Хизматнинг номланиши

“ОТМ га қабул”

1.2. Хизмат натижаси

Бу интерактив хизмат орқали фойдаланувчилар қуйидаги маълумотларни олинади:

ОТМ га ўқишга киришда топшириладиган ҳужжатлар руйхати;

Қабул комиссияси телефон рақамлари; мутахассисликлар ва таълим йуналишлари бўйича қабул квоталари;

Мутахассисликлар ва таълим йуналишлари бўйича имтихон олинadиган фанлар;

Ўқув йили учун ўтиш баллари;

Абитуриентлар учун йўриқнома, тест ўтказиш қоидалари;

Қабул норматив ҳужжатлари;

Кунлик аризалар тушуми;

Магистратурага кириш учун ўтказиладиган имтихон саволлари ва ўтказиладиган вақти;

Магистратурага кириш имтихони натижалари ҳақидаги маълумотлар.

1.3. Интерактив хизматдан фойдаланувчилар

Жисмоний ва юридик шахслар

1.4. Хуқуқий асослари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 июндаги 118-сонли қарорига асосан

1.5. Бажариш муддати

Интернет тезлиги 1024 Кб/с бўлганда ҳар бир йўналиш ҳақида керакли маълумотни олиш учун тахминан 30 сония вақт сарфланади.

2. Хизматдан фойдаланувчиларга маълумот тақдим этиш

2.1. Маълумот таркиби ва ҳажми

Ушбу интерактив хизмат орқали сиз қабул жараёни ҳақида маълумот оласиз.

ОТМга қабул интерактив хизматида бакалавриатура ва магистратура йўналишлари, Қабул низомлари, Хужжатлар тўплами, Қабул комиссияси, Қабул натижалари, Қабул мониторинги, Қабул кунлари, Паспортга оид талаблар, Қабул комиссияси телефон рақамлари, Қабул квоталари, Мутахассисликлар ва таълим йўналишлари бўйича имтиҳон олинадиган фанлар, Биноларнинг жойлашиш схемаси ва ДТМ даги маълумотларни олиш мумкин. Ҳамда ҳарбий кўмондонлик тавсиясига эга бўлган абитуриентлар учун ҳам алоҳида кўрсатмалар мавжуд.

2.2. Батафсил маълумот олиш

“ОТМга қабул” интерактив хизмати тўғрисида батафсил маълумот:

- Бухоро давлат университетининг расмий веб-сайти (www.buxdu.uz) интерактив хизматлар бўлимида(buxdu.uz/index.php/uz/abiturientlarga).

2.3. Сўровнома бўйича маълумот олиш

Интерактив хизматдан Интернет тармоғи орқали кечаю-кундуз маълумот олиш мумкин. Электрон почта орқали: душанба-жума кунлари соат 09:00 дан 18:00 гача.

2.4. Хизмат кўрсатиш манзили

Бухоро шаҳар, М.Икбол 11-уй

Мўлжал: Бухоро фавворалар боғи

Транспортлар: 6, 76, 25, 83, 72-автобуслар, Олмос кафеси бекати

2.5. Фойдаланиладиган бланкалар

“ОТМ га қабул” хизмати бланкалари тўғрисида батафсил маълумот ва хизматдан фойдаланиш фойдаланувчи томонидан Бухоро давлат университети расмий веб-сайти (www.buxdu.uz) интерактив хизматлар булими “ОТМ га қабул” хизмати орқали амалга оширилади.

3. Иш вақтлари ва мурожаат жавобларини кутиш вақтлари

3.1. Иш вақтлари

Интерактив хизматдан Интернет тармоғи орқали кечаю-кундуз фойдаланиш мумкин.

3.2. Мурожаат жавобларини кутиш вақтлари

Интернет тезлиги 1024 Кб/с бўлганда ҳар бир йўналиш ҳақида керакли маълумотни олиш учун тахминан 20 секунд вақт сарфланади.

4. Хизмат кўрсатиш тартиби

4.1. Зарур бўлган ҳужжатлар

Ҳужжат талаб этилмайди

4.2. Хизмат тўлови

Бепул

4.3. Интерактив хизмат кўрсатиш босқичлари

Бу интерактив хизмат оммабоп маълумотларни олиш усулида ташкил этилади.

4.4. Давлат хизматини кўрсатишнинг ички идоравий жараёни

Интерактив хизмат университетда қабул комиссияси томонидан ташкиллаштирилади. Қабул комиссияси масъул аъзолари томонидан қуйидаги маълумотлар киритилади:

1. ОТМга ўқишга киришда топшириладиган хужжатлар рўйхати;
2. Қабул комиссияси телефон рақамлари;
3. Мутахассисликлар ва таълим йўналишлари бўйича қабул квоталари;
4. Мутахассисликлар ва таълим йўналишлари бўйича имтихон олинадиган фанлар;
5. Магистратура кириш имтихонларининг саволлари рўйхати;
6. Магистратурага кириш имтихонлари ўтказилиш вақти;
7. Магистратурага кириш имтихонлари натижалари: Жорий маълумотлар қабул комиссияси раиси томонидан тасдиқлангандан сўнг, бир иш куни мобайнида интерактив хизмат маълумотлар базасига киритилади.

Интерактив хизмат маълумотлар базаси техник таъминотини юритиш университет АТМ томонидан амалга оширилади.

4.5. Рад этиш сабаблари

Давлат хизматини такдим этишни рад этишга интерактив хизмат кўрсатиш дастури ўрнатилган серверда профилактик ўтказилаётган бўлиши асос бўлиши мумкин

«КИРИТИЛДИ»

**Қабул комиссияси
масъул котиби**

_____ **О. Ҳ.Рахимов**

« _____ » _____ **2016 йил**

«КЕЛИШИЛДИ»

**Ахборот технологиялар маркази
бошлиғи**

_____ **М.З.Хусенов**

« _____ » _____ **2016 йил**